

КЎРИК-ТАНЛОВ

Маслаҳатчилар
синовдан ўтишмоқда

Жиззах вилояти Галлаорол туманида «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танлови ҳар йилгидан-да қизгин ўтди.

■ Бек НАЗАР
«Mahalla»

Бу лавозимга билимли, мапокали, шахсий ҳаёда, оилада ибратли, жамоатчи, ташкilotчи оёлар сайлангани маҳаллалардаги маънавий-ахлоқий муҳитнинг яхшиланишида асосий омиллардан бири экани иштирокчиларнинг кўрик-танлов шартларини бажаришларида ҳам намойён бўлди.

Барча шартлар бўйича юқори болл тўплаган Ғўбдин кишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Раёно Мирзақобилова биринчи ўринни эгаллаб, кўрик-танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Иккинчи

ўринга Корикқудук кишлоқ фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Инобат Номозбоева, учинчи ўринга Маржонбулоқ шаҳарча фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Гулзода Давронова муносиб топилди.

— Танловга тайёргорлик кўриш ва унда қатнашиш жараёнида билим ва малакамизни оширишга муваффақ бўлдик, — дейди биринчи ўрин соҳибаси Раёно Мирзақобилова. — Ўрганганларимиз, орттирган тажрибамиз фаолиятимизни янада бойитишга хизмат қилди.

Кўрик-танлов ғолиблари ва фаол иштирокчилари «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлини маси, хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ички ишлар ва халқ таълими бўлимининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

«Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг Янгикўрган тумани босқичида ҳудудлар бўйича ўтказилган ўзаро баҳслардан сўнг сараланган ўн икки нафар иштирокчи ғолиблик учун кураш олиб борди.

■ Нурбек АБДУЛЛАЕВ.
Наманган вилояти.

— Танлов қатнашчиларининг фаолияти ва иқтидори бир неча йўналишлар бўйича аниқланди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлини маси Мухаддам Муродова. — Дастлаб маҳаллалардаги ҳолат, ҳар бир маслаҳатчининг ҳужжатлар билан ишлаш, тадбирлар ўтказиш бўйича малакаси ўрганилди ва баҳоланди. Сўнгги иштирокчилор иккинчи шартни бажардилар, яъни турмушда учрайдиган турли муаммолар ҳамда уларнинг ечимини топишга бағишланган саҳна кўринишларини намойиш этдилар.

Таъкидлаш жоизки, танлов иштирокчиларининг чиқишларини баҳолаш ҳайят аъзо-

лари учун осон бўлмади. Аиникса, саҳна кўринишларида маслаҳатчилар ва уларнинг кўнгилли ёрдамчилари зўр маҳоратларини намойиш этишди. Савол-жавоблар эса маслаҳатчиларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маърифий саводхонлиги тобора ошиб бораётганидан далолат берди.

Танлов аяқунда биринчи ўринга Нанай кишлоғидаги «Зарбдор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зайнаб Жўраева муносиб кўрилди. У энди танловнинг вилоят босқичида ҳам ўз иқтидорини намойиш этади. Турли номинсацияларда ғолиб, деб топилаган бошқа қатнашчилар ҳам фахрий ёрлик ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.



Сўрашма кўрик-танловнинг Янгикўрган тумани босқичида ғолиб Зайнаб Жўраева.

«Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танлови маслаҳатчиларнинг ўз устиди ишлаб, янада самарали натижаларга эришиши ҳамда ўзаро тажриба алмашишида муҳим омил бўляпти.

■ Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

Танловнинг Нурота тумани босқичида 8 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи иштирок этди. Уч шарт бўйича билим ва маҳоратини намойиш қилган маслаҳатчилар ўз чиқишларида нотинч оилалар муаммоларини бортараф этиш, эрта никоҳнинг олдини олиш, маҳаллада барқарор маънавий муҳитни яратиш борасида

амалга ошираётган ишлари ҳақида тўхталиб ўтдилар. Барча шартларда устунлик қилган «Ўрқо» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Мўясар Қосимова танлов ғолиби бўлди. «Миришкор» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Сабозат Бозорова иккинчи, «Мустақиллик» маҳалласи маслаҳатчиси Назокат Абдиева эса учинчи ўринни эгаллади.

Ғолибларга «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг қимматбаҳо совғалари тақдим этилди.

ТИНЧЛИК — ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ

Оқ лайлақлар осмонига ярашган



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Дунёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, турли таҳдид ва хавфхатарларга қарши кураш масаласи долзарб аҳамият касб этаётган айна пайтларда бу ҳаётини ҳақиқатнинг қадри ва қиммати янада юксак, янада терон маъно-моҳият касб этмоқда. Диёримизда 130 дан ортик миллат ва элат вакилларининг оҳил-инок яшаш, динлараро баргиреклик, инсон манфаатларининг устуворлиги — буларнинг барчаси мамлакатимиз мустақил тараққиётининг илк йилларидаёқ тинчликпарвар ташаббусларни илгари сурган Президентимиз Ислам Каримовнинг узоқни кўзлаган изчил сиёсати самарасидир.

Президентимиз бир неча бор жаҳон минбарларидан туриб дунё эътиборини тинчлик масаласига қаратиб келмоқда. Аиникса, республикамизга чегарадош давлатларда бўлаётган вазиятларга, хусусан, 30 йилдан зиёда уруш давом этаётган Афғонистон муаммоларига одилона баҳо бериб, бу юртдаги нарқобизнес, ўзаро низолар, экстремизм ва терроризм, деган балолар дунёнинг ҳар бир давлати учун катта хавф эканидан жаҳонни огоҳ этиб келмоқда. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу сиёсати шиддатли ва нотинч замонда нажоткор чорловдек янграб, унинг қатъий позициясини жаҳоннинг энг обрўли сиёсатчилари ҳам

қўллаб-қувватламоқда. Қолаверса, дунё турли ҳарбий, иқтисодий талотўплар билан тўлиб-тошиб, қанчадан-қанча беғуноқ одамлар уруш ҳаракатлари боис тўғилиб ўсган жойларини ташлаб, ўзга юртларга кетишга мажбур бўлаётган бир пайтда, юртимиздаги тинчлик, яратувчанлик, меҳр-оқибат кўпчилигининг ҳавасини келтираётгани рост. Зотан, меҳнати ортдан улкан ризқ-рўз хирмонлари яратаётган, соъй-ҳаракатлари самараларидан баҳраманд бўлиб, ёруғ ва фароғатли кунларга эришаётган, давлат томонидан аҳолининг эзгу ниятлари ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётган, ҳар бир фуқаро тили, миллати, жинси, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назор, бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлган мамлакатимиз чин маънода барқарорлик манзилига айланган.

Мамлакатимиздаги миллатлар ва фуқаролараро аҳиллик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик, шубҳасиз, энг катта бойлигимиздир. Уни қадрлаш, кўз қорачиқдек асраш ва мустаҳкамлаш, керак бўлса, фидойилик кўрсатиш, доимо огоҳ, сезгир ва маънавий уйғоқ бўлиб яшаш, фарзандларни садоятли этиб тарбиялаш бугуннинг долзарб вазифаси.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳудудларда жиянотчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, маънавий муҳит бар-

қарорлигини асрашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам фаол иштирок этаётир. Фуқаролар йиғинларининг раислари, асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тўзилмаси аъзоларининг зиммасига ҳудудлар осойишталиги ва маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга доир қўллаб-қувватлаш вазифалар юклатилган. Жамият ҳаётида тобора катта кучга айланиб бораётган маҳаллаларнинг бу бородаги соъй-ҳаракатлари самарасини биргина ўтган Обод турмуш йили мисолида олиб қарайдиган бўлсак, йил давомида 2230 та маҳаллада бирорта ҳам жиянот содир этилмаганининг гувоҳи бўламиз. Бундай юксак кўрсаткичлар маҳалла фаолларининг жонбозлиги билан амалга ошгани қувонarli, албатта. Жумладан, маҳалла фаоллари томонидан олиб борилаётган изчил чора-тадбирлар жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга кўмаклашиб, турли иллатларга қарши курашда кишилар фаоллигини ҳам оширмоқда. Аҳолининг, аиникса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида самарали иш олиб бориламоқда.

9 май — Хотира ва қадрлаш кунин байрамини муносиб қарши олиш мақсадида айна пайтда маҳаллаларда турли тадбирлар, уч авлод учрашувлари ташкил этилаётгани ҳам юртимиздаги осойишталики мустаҳкамлашга ҳисса қўшади, албатта. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг ушбу санани юқори савияда ўтказиш бўйича махсус режаси ишлаб чиқилиб, шу асосда жойларда турли тадбирлар ўтказиламоқда.

— Президентимизнинг жорий йил 18 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги формониди Фонд зиммасига ҳам улкан вазифалар юклатилган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси Азамат Зоҳидов. — Шу боис Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига Президентимиз номидан пул мукофотларини топшириш маросимларини ташкиллаштиришда Фонд ва унинг ҳудудий бўлимлари фаоллик кўрсатаётир. Бундан ташқари, умумхалқ байрамини муносиб нишонлаш мақсадида жойларда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ҳамда маданий-бадий кечалор ўтказилапти. Ҳудудлардаги қабристонлар, зиёратгоҳ ва қадам-жоларда ободонлаштириш, саранжом-сорштилаш ишларига аҳоли жалб этилиб, вафот этган уруш қатнашчиларининг қабрларини тазолаш ва таъмирлаш ишлари олиб бориламоқда.

Ҳа, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлики мустаҳкамлашга қаратилган ана шундай соъй-ҳаракатлар мунтазам давом этади. Бу эса юксалиш ва тараққиёт омилidir. Шундай экан, осмонимизни оқ лайлақлар тўлдираверсин.



Экстремистлар айбдор

Хитой ҳукумати Урумчи шаҳрининг темир йўл станциясида рўй берган портлашда диний экстремистларни айблади.



Портлаш оқибатида уч нафар киши ҳалок бўлган, 80 нафардан зиёд киши жароҳатланган. Нобуд бўлганларнинг икки нафари ҳудқуш ҳужумчидир. Улар полиция ходимини пичоқлаб ўлдирганларидан сўнг ёнлардаги портловчи мосламани ишга туширишган.

Ҳаво ҳужуми оқибатида

Суриянинг исёнчилар назорати остида бўлган Ҳалаб шаҳрида ҳукумат кучлари навбатдаги ҳаво ҳужумини уюштирди.



Бомбалар одамлар гавжум бўлган бозорга ташланган ва оқибатда ўттиз нафардан зиёд киши ҳалок бўлган.

Ҳужум уюштирилган мавзе сўнгги олти ой давомида нисбатан тинч ҳудуд бўлган.

Кондаги фожиа

Афғонистон шимолида жойлашган кўмир конида рўй берган портлаш оқибатида йигирма нафарга яқин кончи ҳалок бўлди.



Ходиса туфайли яна уч нафар кончи бедарак йўқолган.

Қазис ишларига масъул шахс воқеа жойидан қочган ва айна пайтда қидирувда.

Кўмир конида юзгага келган портлаш хавфи ҳақида огоҳлантирилишига қарамай ундаги қазис ишлари давом этирилган.

Ҳарбий амалиёт

Яманда Ал-Қоида гуруҳига алоқадор деб гумонланган 13 нафар жангари йўқ қилинган.



Қирувчи самолётлар ва танклардан иборат ҳукумат кучларининг жангари-ларга қарши ҳарбий амалиёти 3 кун давом этган.

Шу кунга қадар бундай амалиётлар оқибатида 24 нафар ҳукумат аскарини ҳамда 28 нафар жангари дея гумонланган киши ҳалок бўлган.

■ Интернет материаллари асосида
Ф. КОМРОН тайёрлади.

МАҲАЛЛАМИЗ ЧЕМПИОНЛАРИ

Ютуқлар эътирофга муносиб

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шуғулланиш учун яратилган кенг имкониятлардан фойдаланаётган ёшлар ҳар томонлама соғлом ва тетик бўлиб ўлаётганимоқда. Шу билан бирга, улар турли мусобақаларда ўз истеъдодини намойён этиб, нафақат ота-онаси ва мураббийларининг, балки халқимизнинг ишончини оқлайтир.

■ Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Дўстлик» маҳалласида 13 ёшдаёқ спортнинг синхрон сузиш тури бўйича «Спорт устаси» номига сазовор бўлган, бир неча марта чемпионлик шохсупасини забт этган Хуршида Ҳақимова истикомаат қилади.

Хуршида ўн ёшга тўлганида онаси уни спортнинг сузиш турига қизиқшини сезиб, 23-болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактабининг синхрон сузиш турига олиб боради. Қўзалоқдаги қизиқиш, шижоат ва ҳаракатчанлик мураббийлар эътиборини тортиди. Мураббийлар Л.Ҳикматова ва А.Пионтовская уни мусобақаларга тайёрлаи бошлади.

Шу кунгача мамлакатимизда ўтказилган мусобақаларда Хуршида

20 мартаба чемпионлики қўлга киритди. Малайзияда ўтказилган халқаро чемпионатларда беш марта қатнашиб, икки бор олтин, икки марта бронза ва бир гал қумуш медалга сазовор бўлди. 2012 йили Индонезияда ўтказилган Осиё чемпионатида бронза медалини, 2013 йилда Туркияда ўтказилган очик чемпионатда олтин медални қўлга киритди. Шу йили Ўзбекистон чемпионатлари ва халқаро мусобақаларда эришган ютуқлари учун Миллий Олимпия кўмитасининг стипендиясига сазовор бўлди.

— Маҳаллаимизда етти минг нафарга яқин аҳоли истикомат қилади, — дейди «Дўстлик» маҳалласи раиси Моъруфа Раҳмонбердиева. — Ўн нафар ўғил-қизимиз спортнинг шахмат, сузиш, стол теннис, кикбоксинг турлари бўйича чемпион бўлишди. Шунингдек, ҳудудимизда спортчи оилалар ҳам талайгина. Хуршида — маҳаллаимиз фахри. Ҳақимовлар оила-

си спортчи оилалардан бири. Хуршидининг отаси Сарвар боксга, онаси Саида қиличбозликка, укаси Акбаржон сузишга қатнашади. Бу йил Хуршида учун муваффақиятли бошланди: у Зулфия номидида Давлат мукофоти совриндори бўлди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда «Дўстлик» маҳалласида Хуршида Ҳақимовага ҳовас қилган ўттиз нафарга яқин қиз ойнан спортнинг синхрон сузиш тури бўйича шуғулланишни бошлаган. Улар Хуршида ўқийдиган 122-умумтўғилим мактабидида ўтказилган «Спорт ва соғлом ҳаёт» мавзусидаги учрашувдан сўнг шундай қорорга келишди. Учрашувда Хуршидининг муваффақиятлари ҳақида гапирилди. Ҳозир спортчи қиз 9-синфда таҳсил олаётир.

— Ҳар бир ота-она фарзандларининг соғлом ва бахтли бўлиб вояга етишини орзу қилади, — дейди Саида Ҳақимова. — Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда болалар спортини, жумладан, қизлар ўртасида спортни оммалаштириш ва янада ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор самарасида бу ниятларимиз рўёбга чиқмоқда. Қизимизнинг қувончини, ютугини қуриш биз учун катта бахт.



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Хуршидининг орзулари улкан. У олимпия ўйинларида олтин медални қўлга киритиш билан бирга, энг яхши мураббий ва халқаро тоифадаги ҳақим

бўлишни олдиға мақсад қилиб қўйган. Ўзбек қизларидаги бундай шижоатни қўриб қолганимизда гурур ва ифтихор туйғулари жўш уриши табиий.



Изланиш ва масъулият самараси

«Олтин қалам» IX Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорлари тақдирланди

< [1]

Соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ўзгаришлар жараёнида электрон оммавий ахборот воситалари жадал ривожланмоқда, улар фаолиятининг самарадорлиги ошмоқда. Мамлакатимизда интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Телекўрсатувларнинг мазмуни ва сифатини ошириш мақсадида рақамли телевидениега ўтиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Соҳа ходимларининг машққатли меҳнатини рағбатлантириш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, янгидан-янги ижодий марралар сари руҳлантириш — доимий эътиборда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблагларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилаётган қатор лойиҳалар, грант танловлари ОАВ таҳририятлари, нашриёт ва матбаа корхоналарининг фаолияти самарадорлигини янада кучайтириш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Жаҳон табиати эркинлиги кўнига бағишлаб таъсис этилган «Олтин қалам» Миллий мукофоти миллий ва халқаро журналистиканинг энг юқоқ ютуқларини кенг оммаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этиши учун шароит яратиш, ижодий фаолиятга янги аёнашувларни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзгероф» ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Касоба уюшмалари федерацияси кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилаётган мазкур анъанавий танлов соҳа ходимларининг фаолигини янада ошириш, уларда изланувчанлик, ишга ижодий ва талабчанлик руҳида ёндашувни мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Жулидадан, 2006 йилдан буён ўтказилаётган мазкур танловда 4 минг нафарга яқин журналист 50 мингдан ортиқ ижтимоий аҳамиятга молик материали билан иштирок этди. 194 нафар журналист «Олтин қалам» Миллий мукофоти соҳиби бўлди. 48 нафар ижодкор нуфузли халқаро ташкилотлар ваколатхоналари таъсис этган мукофотлар билан тақдирланди.

Телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ўтказилаётган бу йилги ижодий лойиҳада ўн учта — битта Бош миллий мукофот, ҳар бир йўналиш бўйича учтадан мукофот таъсис этилган. Танлов учун мамлакатимизнинг барча турдаги оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган 490 дан ошми журналистдан 7500 га яқин ижодий иш келиб тушди. Уларни баҳолашда танқидий ва таҳлилий чиқишларга, ҳаёт ҳақиқати ҳолис акс эттирилган, ижодий изланувчанлик асосида тайёрланган материалларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, навқирон авлод онгу шуурини миллий ҳаёт тарзимида зид ва бегона

ФАВВОРАЛАР САЙЛИ

Юртимизнинг байрамлари фусункор ва файзли ўтади



— Н.И.ИДРОВ олтин қалам

< [1]

Дунё шаҳарсозлигида муҳим аҳамият касб этаётган фавворалар ҳақида гап кетганда, ушбу иншоотлар қадим замонларданқ ажодларимиз боғу боғчалори, саройлар қасрларини безаганини таъкидлаш ўринлидир. Чунончи, Марказий Осиёда XIV-XV асрларда фавворалар қуриш анча ривожланиб, Соҳибқирон Амир Темур боғларида уларнинг ноҳир намуналари яратилган. Сопол қувурлар орқали ҳовузчалорга қўйилган сув бетақорор жозибани намоиш этган. Ҳовузлар атрофи турли мармар тошлар ва гуллар билан безатилиб, махсус мосламалар мураккоб муҳандислик иншоотини ҳосил қилган. Жумладан, Самарқанддаги Дилқуш бонди бўлган испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ҳайрат билан шундай ёзган эди: «Подшоҳ саройида суви тепага отилиб турувчи фаввора бўлиб, унда қизил олмадор қалқиб турарди...».

Археологик қазилмалар натижасида фавворалар қолдиқлари юртимизнинг бошқа қўлбўрт тарихий иншоотларидан ҳам топилган. Мумтоз адабиётимиз намуналари, хусусан, Алишер Навоий асарлари ва «Бобурнома» китоби учун ишланган миниатюраларда акс этган фавворалар тасвири ажодларимизнинг юқсоқ бунёдкорлик маҳорати ва яратувчанлик салоҳиятидан далолат беради. Кейинги йилларда бунёд этилган пой-

тахт фавворалари замонавий илм-фан ютуқлари билан бойитилди. Офтоб қизитган чоғ салқин ва ёқимли иқлим ҳосил қилиб, кишиларга ҳаловат бағишлаган фавворалар оқшом кўниши билан бутунлай ҳайратомуз манзарани — ранг-баранг чироқлар ва мусиқа ўйғунлигидаги муаззам композицияни ҳосил этади. Махсус дастур ёрдамида сув оқими турли шакл ва кўринишда мафтункор оқшомга ўзгача тароват бахш этади. Айни пайтда Тошкентда бир-биридан фусункор 60 дан ортиқ фаввора ишлаб турибди. Сайил кўни уларнинг деярли барчаси атрофида оммавий-маданий тадбирлар ташкил этилди. Халқимиз севган санъаткорлар ва бодий жомалар, шоир ва ёзувчилар, театр ва кино актёрларининг иштироки фавворалар сайлига янада жўшқинлик бағишлади.

Ҳар бир фаввора олдидан санъат жомалари чиқишлари учун саҳналар қурилиб, иштирокчиларнинг мароқли дам олишлари учун барча шароитлар яратилди. Айниқса, мусиқий фаввораларда миллий куй-қўшиқлардан кенг фойдаланилгани ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда бекиёс аҳамият касб этди.

Пойтахтимизнинг Хадра майдонида ҳам ана шундай шодмонликка гувоҳ бўлди. Майдондаги 12 метр балангликка кўтариладиган, ранг-баранг чироқлар ёғдусида жилоланадиган фаввора олдидан ташкил этилган тадбирда

карнай-сурнай садолари янгради, фавворалар нафис ҳаракатланди. Тадбир ташкилотчиларидан бири — «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакиллари ҳам байрамнинг юқори савияда ўтиши учун бош-қош бўлишди. Сайилга келган ҳар бир иштирокчининг таассуроти бир умрга татигулик.

— Бугунги тадбир кундалик ҳаётимизга янгича назор тошлаш, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятига яна бир бор шохид бўлиш, тинчлик ва осудалигимизни қадрлаш имконини берди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Аҳрор Ғуломов. — Бўлигимиз томонидан ушбу шодиёнага алоҳида тайёргарлик кўрилди. Майдон турли паннолар, истиклолни мадҳ этувчи шиорлар битилган баннерлар билан безатилди. Пойтахт маҳаллаларида истиқомат қилаётган фахрийлар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар аъзоларининг мароқли ҳордиқ чиқаришлари, фавворалар атрофида ташкил этиладиган концерт-томошаларидан баҳраманд бўлишлари учун зарур шароитлар яратилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ташкиллаштирилган сайилда, айниқса, болажонлар мириқиб ўйин-кулгу қилишди. Болалар дасталари чиқишлари байрамга файз киритди. Айниқса, «Булбулча» болалар ансамблининг чиқишлари йигилганларга манзур бўлди.

— Сайилда маҳалламиз фаоллари билан қатнашяпмиз, — дейди Шайхонтоҳур тумани «Гўлобад» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Раҳбархон Усмонова. — Шодиёналарда ёшлар қатори катталар ҳам завқланидлар. Юртимиздаги тинчлик-осойишталик тўғайли байрамларимиз бисёр, кишилар бахтиёр яшамокда. Турли миллат ва элат вакиллари бир оила аъзоларидек байрамда иштирок этишяпти. Халқ сайилига айланиб кетган ушбу шодиёналарни кузата туриб, барчаннинг кўнглидан шундай фикрлар ўзимокда: Бундай юртда яшашнинг ўзи саодат!

Фавворалар сайли кечгача давом этди. Тадбирда хорижликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари ҳам яйраб дам олишди. Миллий куй-қўшиқлар, дилторлар наволар шўҳан рақсларга уланди. Юртдошларимиз кечрасида бугунги дориларом кўнлордан шукроналик, ўзаро меҳру мурувватли бўлиш, энг бебаҳо бойлигимиз — тинчлик ва осудалигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳисси балқиди. Фавворалар атрофида ташкил этилган турли кўргазмалар оқшом манзарасини янада кўркамлаштирди. Зотан, бахтиёрлик нашидаси ҳукм сўрган юртининг байрамлари ана шундай фусункор ва файзли ўтади.

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Эътибор ва ғамхўрликдан миннатдормиз

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, меҳнат фахрийси Тўланбой ота Тўйчибоевни нафақат «Пилол» маҳалласида, балки Поп туманида, ҳатто маҳаллада ҳам яхши танишади. Чунки отахон — фаол жамоатчи, фуқаролар йиғинида амалга ошириладиган хайрли ишларнинг ташаббускори.



■ Нурбек АБДУЛЛАЕВ, Илҳомжон РАҲМАТОВ.

Кўпни кўрган бу инсонга одамлар турли масалалар бўйича маслаҳат олиш учун мурожаат этишди. Ўз навбатида, отахон ҳам ҳамиша уларга ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб йўл-йўриқ кўрсатади.

— Тўланбой ота — «Пилол» маҳалла фуқаролар йиғини кенгашининг аъзоси, ҳар жаҳада фаол инсон, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Поп тумани бўлинимси раиси Баҳодир Тўрғунов. — Худудда бирор тадбир у кишининг иштирокисиз ўтмайди. Вояга етмаганлар тарбиясини, оила мустаҳкамлигини, коммунал туловлардан қорздорлиқни бартараф этиш масаласини — барчасида доим фаоллар сафида. Аҳоли ўртасида обрў-эътибори баланд.

Фахрий чинакам ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган. У 1944 йилда фронтга отланди. Иккинчи жаҳон уруши тугагунга қадар сапёр сифатида ҳаракатдаги ҳарбий қисмда хизмат қилди. Ғалабадан сўнг уйга қайтган, транспорт ташкилотларида, сув хўжалиги тизимида, жамоа хўжалигида узоқ йиллар ишлади.

Отахон маҳаллада ҳаммага ўрнат бўладиган оила бошлиғи сифатида турмуш ўртоғи билан етти фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Уларга ҳаёт сабабини берди ва эл-юрт хизматида йўллади. Ўйил-қизлари ҳам ота-оналарига муносиб фарзанд бўлиб қамол топдилар. Дарвоқе, Т.Тўйчибоев кексалигига қарамай ҳозир ҳам тетик машина ҳайдади, қачон қараманг, одамлар даврасида. Салкам тўқсонни қоралаб қўйган бўлса-да, ҳаракатчан. Меҳнат жамоаларида, ўқув

Тўланбой ота ёшлар билан учрашувларда мустақил Ватанини янада обод этиш, турмуш фаровонлигини ошириш йўлида ҳар бир киши астойдил меҳнат қилиши лозимлигини уқтиради. Энг муҳими, барча бу фикрларни тўғри қабул қилаётганидан ва озод юрт равнақи йўлида бор билим ҳамда куч-қайратини сарфлашга тайёр эканлигидан қувонади.

Давра суҳбатида ялпи мажлис-дан кейин иштирокчилар шўьбаларга бўлинган ҳолда ташкил этиладиган чиқишлар — белгиланган мавзулар бўйича маърузаларни тинглашди. Шунингдек, тадбир довомида Хоразм вилоятидаги бир қатор фуқаролар йиғинларининг фаолияти билан яқиндан танишиш режалаштирилмоқда.

Хуллас, галдаги халқаро давра суҳбати юртимиз ёшларини ҳар томонлама қамол инсонлар қилиб тарбиялашда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилоётган ишларни, бу борада мамлакатимизда тўпланган тажрибани халқаро ҳамжамиятга етказиш имконини беради.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Аҳоли дастурхонига сифатли маҳсулотлар

Шахрисабз туманидаги «Пиллакашлик» маҳалласида «Шахрисабз озиқ-овқат моллари» масъулияти чекланган жамияти томонидан эски иморатлар қайта таъмирланиб, чорвачилик тармоғи, нон ва макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

■ С.БОЙМУРОВОВА «Mahalla»

Чорвачилик фермасида 40 бош қорамол, 50 бош қўчқор боқияпти. Корхона раиси Баҳром Раҳма-

товнинг айтишича, жараёнинг узвийлигини таъминлаш учун тармоқни янада ривожлантириш чоралари қўрилмоқда. Хориздан гўштни қайта ишлайдиган ускуна келтирилиб, яна бир тармоқ фаолияти йўлга қўйилиши режалаштирилган.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Баркамол авлод тарбиясида муҳим таянч

жорий йилнинг 13-14 май кунлари Урганч шаҳрида «Ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда маҳалла институтининг роли» мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтади

< [1]

Бу борада Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати, «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг амалга оширилиши, баркамол авлодни тарбиялашда фуқаролар ўзини ўзини бошқариш органларининг роли ҳақидаги маълумотларни халқаро жамоатчиликка етказиш мақсадида жорий йилнинг 13-14 май кунлари Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида «Ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда маҳалла институтининг роли» мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтади.

Ушбу тадбир «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузу-

ридаги Давлат бошқаруви академияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда Япониянинг Марказий Осиё ва Кавказ давлатларини ўрганиш Институти ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

Тадбирда Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Жанубий Корея, Россия каби давлатлардан ташриф буюриши қўтилаётган экспертлар, олимлар билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, қатор вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, фуқаролар йиғинлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиши кўзда тутилган.

Давра суҳбати доирасида юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилоётган улкан ишлар, хусусан, «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга оширишда давлат органлари ва фуқаролик жамиятининг институтлари ўртасида ижтимоий шерикчиликнинг амалга оширилиши борасида Ўзбекистон тажрибаси хорижий меҳмонларга намойиш этилади.

Шунингдек, Ўзбекистонда «Соғлом бола» — соғлом бола» дастурини амалга ошириш, Қадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурини амалга оширишда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги механизмининг аҳамияти, маҳалла институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари,

унинг ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашдаги роли, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда фуқаролар йиғинлари, ёшлар ташкилотлари ва давлат органлари ўзаро ҳамкорлигининг долзарб масалалари муҳокама этилиши кун тартибидан ўрин олган.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, сўнгги йилларда қабул қилинган қонун ҳужжатлари, маҳаллаларда ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилоётган кенг қамровли чора-тадбирлар ҳақида хорижий меҳмонларга атрофидаги маълумотлар бериши режалаштирилган.

ХУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

Асосий эътибор ёшлар тарбиясида

< [1]

Дарҳақиқат, аҳоли ўрта-сида олиб борилаётган бундай ҳуқуқий тарғибот тадбирлари фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жамиятда соғлом ҳаёт тарзини яратишда муҳим омили бўлаётди. Хусусан, Бухоро шаҳри Маҳмуд Торобий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам мазкур йўналишда самарали ишлар амалга оширилмоқда.

— Бугунги глобаллашув жараёнида аҳолининг ижтимоий муносабатларда фаол иштироки учун ҳуқуқий саводхонлик даражаси муҳим аҳамият касб этади, — дейди Бухоро шаҳридаги Маҳмуд Торобий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гуландом Ойназарова. — Шу боис ҳудудда милиция профилактика нозирлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, соғлиқни сақлаш ва бошқа ҳамкор ташкилотлар ходимлари билан биргаликда «Диний экстремизмга қарши кураш», «Иёҳвондлик — умр заволи», «Қонунни билган қокимлайди», «Конституция — бахтимиз қомуси», «Одам савдоси — муҳим иллат» сингари мавзуларда тарғибот тадбирларини ўтказиб келаямиз. Айни пайтда носоғлом муҳитдаги оилалар, жазо муассасасидан қайтганлар ҳамда профилактика назоратида турувчи ёшлар билан ҳам алоҳида тарғибот ишлари олиб боряймиз.

Ушбу йўналишдаги сай-ҳаракатлар натижасида сўнгги икки йилда ҳудудда жиноatchилик, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кузатилмади. Учта нотинч оиладаги муҳит соғломлаштирилди. Профилактика назоратидаги 5 нафар ўсмирнинг ҳуқуқи яхшиланиб, назоратдан чиқарилди.

Ушбу ҳуқуқий тарғибот ишларида «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмасининг ўрни ҳам таъкидлашга аргизилуқ.

— Аҳоли ўртасида олиб борилаётган тушунтириш, тарғибот ишлари юзюга келиши мумкин бўлган жиноatchилик, қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олишда, ҳудуд-



■ ЎЗА олган сурат.

СЕМИНАР

Кичик бизнес учун катта имконият



■ Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Пойтахтимиздаги «ЎЗЭКСПО» миллий кўргазмалар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ташкил этилган кўргазмали семинарда айнан ушбу ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳамда тадбиркорлик субъектларига яратилаётган қўлай имконият ва афзолиятлари тўғрисида кенг жамоатчиликка маълумотлар берилди.

Таъкидлаш лозимки, мазкур ҳужжатлар мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, қўлай инвестиция муҳитини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш шарт-шароитларини тубдан яхшилаш, иқтисодиётнинг хусусий секторида аҳоли бандлигини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида қабул қилинган.

Фармоннинг 3-бандига асосан вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, акциядорлик компаниялари, уюшмалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўзларининг расмий веб-сайтларида тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлар масалаларини тартибга солувчи ахборотларни жойлаштириш ва кейинчалик уларни доимий равишда янгиланб бориш вазифаси юклатилган.

Жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларида чоп этилмаган уларнинг тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлар масалаларини тартибга солидиган меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар талабларини бузиш ҳолатлари учун тадбиркорлик субъектларига жавобгарлик чораларини қўллаш таъқиқланади.

Албатта, ушбу қиритилган меъёрлар тадбиркорлик субъектларига керакли бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва ахборотларни тегишли ташкилотнинг расмий веб-сайтидан тезкорлик билан олишга, ўз фаолиятларини қонуний асосда йўлга қўйишга, айнқс-са, кенг жамоатчиликнинг ҳуқуқий билимини янада оширишга хизмат қилади.

Фармоннинг 5-бандига мувофиқ, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келюётган, шунинг-

дек, ишлаб чиқариш сўрьатларининг барқарор ўсиши ва рентобелигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текширишни таъқиқлаш (юридик шахсларни тугатиш чоғида қўзғатилган жинойи ишлар доирасида, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ режадан ташқари текширишлар бундан мустасно) бўйича мораторий муддати 2017 йил 1 январга қадар узайтирилди. Яъни ушбу субъектларда 2017 йилнинг 1 январига қадар текшириш ўтказилмоқди.

Яна бир муҳим янглик, 2014 йил 1 июлдан бошлаб кўп меҳнат талаб қиладиган айрим тармоқлар, яъни қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва енгил сонаотда фаолият юритадиган кичик корхоналар ходимларининг чеklangан ўртача йиллик сонини 100 тадан 200 тагача ошириш белгиланб қўйилди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан Давлат бюджетига уларнинг ҳисобварақларидан солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда банк-хизматлари учун тўловлар ундириш амалиёти бекор қилинди.

Бундан ташқари, илгари ҳўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ, молиявий ҳисоботларини тақдим этмаслик ва уларни кўрсатилган манзилда йўқлиги ҳолатларида тижорат банкларидаги ҳисобварақлари бўйича операциялар бевосита давлат солиқ хизмати органлари томонидан тўхтатиб турилган бўлса, эндиликда бу фақат суднинг тегишли қарори асосида амалга оширилиши белгиланб қўйилди. Бу ҳам тадбиркорлик субъектларига нисбатан таъсир чорасини қамайтириш ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Президентимизнинг мазкур фармонига асосан, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор тадбир кўзда тутилган 46 та банддан иборат «2014-2015 йилларда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбир-

лар Дастури» тасдиқланди. Дастурга асосан ягона ер солигининг тўлов муддатини 3 тадан 2 тага қисқартириш юзасидан қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар қиритиш вазифаси белгиланб қўйилди. Яна бир муҳим масала, жорий йилнинг 2-чорагида электрон рақамли имзо қолити сертификатининг амал қилиш муддатини 12 ойдан 24 ойгача узайтиришни назарда тутувчи амалдаги қонунчиликка ўзгартириш қиритилиши белгиланб қўйилди.

Президентимизнинг 2014 йил 15 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2164-сонли қарори билан тадбиркорлик субъектлари учун қўлай шарт-шароитлар яратишга қаратилган бир қатор меъёрлар жорий этилиши белгиланди.

Хусусан, қарорга асосан, 2014 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензияланодиган фаолиятнинг ва рухсат этиш характерига эга ҳужжатларнинг алоҳида турларини бекор қилиш, фаолиятнинг лицензияланодиган турларини ва рухсат этиш характерига эга тартиботларни расмийлаштиришнинг муддатлари ва йиғимлари миқдорларини қисқартириш ҳамда рухсат этиш характерига эга ҳужжатларни ва лицензияларни олиш тартиботларини янада қисқартириш ҳамда соддалаштириш белгиланб қўйилди.

Шунингдек, тегишли органларга 2015 йил 1 январгача бўлган муддатда лицензияланодиган 19 та фаолият турларига «бир дарча» тамойилини жорий этиш, жорий йилнинг охирида тадбиркорлик субъектлари томонидан лицензия келишувлари шартларини бажариш бўйича даврий ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этиб бориш учун дастурий маълумотларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифаси юклатилган.

Бундан ташқари, 2014 йил 1 октябрдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталида: молия, солиқ, статистика ва бошқа турдаги ҳисоботларни интерактив расмийлаштириш ва тақдим этиш; солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, коммунал тўловларни, лицензия ва рухсат этиш характерига эга ҳужжатлар бўйича кўриб чиқишда ва уларни олишда тўланадиган йиғимларни ва давлат божларини Интернет-банкнинг тизими орқали тўлаш; маълумотномалар олиш ва бошқа интерактив давлат хизматларидан фойдаланишни амалга ошириш имконини берадиган шахсий «тадбиркорлик субъектининг кабинети» ишлашини таъминлаш юклатилган. Ушбу тадбирлар натижасида тадбиркорлик субъектлари интернет орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш, ўзларига тегишли бўлган маълумотларни шахсий кабинетидан ўтириб электрон шаклда олиш имкониятларига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Адлия ва Молия вазирликлари, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Божхона қўмитаси, Марказий банк ҳамда бошқа мутасадди вазирлик, идоралар масъул ходимлари иштирок этган кўргазмали семинарда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари вакиллари томонидан ўртача ташланган саволларга мутасадди ходимлар томонидан батафсил жавоблар берилди.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг мазкур фармони ва қарори тадбиркорликка янада кенг имкониятлар тўхфа этиб, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛ

Истеъмолчи огоҳлантирилиши зарур

САВОЛ:

— *Электр етказиб берувчи ташкилот қарздорлиги сабабли хонадонни тармоқдан огоҳлантирмасдан узиб қўйиши мумкинми? Бу борада маҳалла томонидан қандай ишлар олиб борилиши лозим?*

Абдумўмин РАЖАБОВ.
Тошкент шаҳри Сергели тумани.



ЖАВОБ:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига ва уй-жой мулкдорлари кўра маиший истеъмолчи электр энергияси учун ҳақни тўламаган тақдирда ҳудудий электр тармоқлари корхонаси шартномани бекор қилиниши мўлжалланюётган кундан камида бир ой олдин истеъмолчини огоҳлантириш ҳолда электр таъминоти шартномаси бажарилишини бир томонлама тартибда рад этишга ҳақли. Истеъмолчининг айби билан ҳисобга олиш приборлари шикастланганда ёки пломбалари бузилганда ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг вакили ва маиший истеъмолчи томонидан икки нусхада дололатнома тўзилади ва қайта ҳисоб-китоб

амалга оширилади. Истеъмолчи дололатнома расмийлаштирилган кундан бошлаб уч кун муддатда ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг қарори юзасидан эътироз билдириш ҳуқуқига эга.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасига кўра, маҳалла фуқаролар йиғини коммунал тўловлар ундирилишини таъминлаш, иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш бўйича тадбирлар ўтказишда шартнома асосида кўмаклашадди. Аҳоли томонидан коммунал хизматлар ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўлинишини таъминлагани учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомига (рўйхат рақами 1032, 2001 йил 17 май) мувофиқ маҳалла ва коммунал хизмат кўрсатуви чиқилган лор ўртасида тузиладиган шартнома асосида коммунал хизматлар учун тўловлар 100 фоиз тўловдан тақдирда унинг 10 фоизи микдориданги маблағ фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органига ўтказиб берилиши мумкин.

Фақат суднинг қарори билан

САВОЛ:

— *Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш мумкинми ва унинг тартиби қандай?*

Музаффар ТУРОПОВ.
Самарқанд вилояти Оқдарё тумани.

ЖАВОБ:

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқароларнинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузудиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида, улар мансободр шахсларнинг ғойирқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зорар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тўлиниши керак. Мансободр шахснинг айби билан етказилган зарарни қоплаш суднинг қарори билан шу мансободр шахс зиммасига юкланиши мумкин.

■ Саволларга ҳуқуқшунос О.ҲАКИМОВ жавоб берди.

ЖАМИЯТ

Лўлидан нажот кутган Ҳизб-ут таҳрирчилар

Сўзимизнинг аввалида бир ривоят келтиришни жоиз топдик. Дейдиларки, Худо одамларни яратиб, ҳар бирига ризқу насиба келтирадиган касбу-хунар раво қўрибди. Бир тўда ялқовроқ кишиларга эса кечикиб келгани боис хунар етмай қолди. Шунда уларнинг ризқини бошқалар устидан сочибди-да, сиз ризқингизни улардан тилаб оласиз, касбингиз ҳам шу бўлади, дебди.

Бу бир ҳазиломуз тўқиб айтилган оддий гап ҳолос. Бундан ҳикмат излаш шарт эмас. Ялқовлиги, фикру ҳаёли носоғломлиги боис ана шундай ҳолатга тушиб қолган кишиларга нисбатан киноя бу. Лўлиларнинг тарки одати амри-маҳол бўлиб қолгани бу гапнинг тўқиб қилирилишига сабаб бўлгани табиий.

Гап шундаки, ўз фаолиятини дин ниқоби остида олиб борадиган диний экстремистик оқим Ҳизб-ут таҳрирининг аширин бир гуруҳи лўлилардан иборат экан. Тўғрироғи, бу оқим хизматига бошқа одам топилмаган, ўзининг ғояларини торқатиш-

садларида ҳар қандай йўлдан боришдан қайтмайдилар.

Яқинда Сурхондарё вилояти ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан Ҳизб-ут таҳрир диний экстремистик ташкилотининг вилоятнинг шимолий ҳудудларида фаолият олиб борган, мазкур яъни лўлилардан ташкил топган яширин гуруҳи фаолиятига чек қўйилди.

Маълум бўлишича гуруҳ раҳбари Раҳим Хайдаров бўлиб, улар бир-бирларининг хонадонларида яшirin ҳалқа йиғилишларини ташкил қилишган. Бу йиғилишларда араб давлатларидаги сўнгги сиёсий ўзгаришлар, уруш кетаётган ҳудудларга хижрат қилиш, жиҳода кириш, жангориюларга моддий ёрдам қилиш ҳақида сўз боради. Энг ачинарлиси, лўлиларнинг ўзлари бировдан тилониб кун кечираётганига қарамай улар ана шундай манфур ишларга маблағ ҳам тўплашга жалб эти-

лади. Табарруот деб аталган ушбу аззолик бадалларини эса гуруҳ раҳбари Раҳим Хайдаровга етказиб беришади. Шундай йўл билан сўнгги бир йил довомида 5 минг АҚШ долларини миқдоридан маблағ тўпланди.

Раҳим Хайдаров ҳам ўғрини қароқчи урган хилидан бўлиб, ушбу маблағнинг асосий қисmini ўз айш-ишратлари учун ишлатиб юраверган. Ҳатто жиноятлари учун қонун олдида жавобгарликка тортилган, қамокдаги биродарларининг хотинлари билан дон олишиб юришини ҳам эплаган.

Унинг фалсафаси оддий: иймонсиздан биров иймон сўровини қилармиди? Аслида шу боисдан ҳам уларнинг бошқа кирдикорлари ҳам очилди. Мукоддам Денов шаҳрида яшаган, ўтган йили экстремистик фаолияти учун ҳибсга олинган Фахриддин Элмуродов ўз хоҳишига кўра, ҳуқуқ-тартибот идораларига

қўрсатма берди. Унда ушбу гуруҳнинг қабиҳ ишлари баён қилинган эди. Аммо буни ҳам Фахриддин иймони бутлиги, виждони тозалигидан эмас, балки қамокқалиғида ўзининг хотини билан айш-ишрат қилиб юрган Раҳим Хайдаровдан ўч олиш мақсадида билдирган.

Қилимига яраша жазо тартаётган бир паллада уни кўргани қориндошлари келишади. Уларнинг гап-сўзларидан хотини Фотима Элмуродова (у ҳам Ҳизб-ут таҳрир аъзоси) ўз раҳнамоси Раҳим Хайдаров билан дон олишиб юрибди, деган хулосани англайди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан унинг аризаси ўрганиб чиқилди. Ҳақиқат шун бўлдики, Фотима Элмуродова, Ҳизб-ут таҳрир диний экстремистик ташкилоти аёллар қонотининг фаол аъзоларидан бири бўлиб, у ишлайётган гуруҳга Раҳим Хайдаров раҳбарлик қилган. Раҳим Хайдаров эса, ўз навбатида, Тожикистонда

яшириниб юрган, мазкур оқимнинг раҳбарларидан бири Сайфиддин Мўминов кўрсатмаси асосида иш олиб борган.

...Зўрлаб шиширилган пуфак, албатта, ёрилиб кетади. Манфаатлар устига қурилган, аммо юзи дин билан ниқобланган сохта ғоялар ҳам шундай қисмат топади. Азалдан иймони бут бўлмаган одамнинг қўлидан эса ҳеч қачон арғачири ҳам шундай қисмат топади.

Шу ўринда киши мулоҳазага боради. Дину диённатдан йироқ иймонсиз бу қавмнинг иймону жаннат ҳақидаги гапларига ким ҳам ишонарди?! Бошқаларнинг оғзидан лўқмани ҳам олдиб олишга уриш бўлдики, Фотима Элмуродова, Ҳизб-ут таҳрир диний экстремистик ташкилоти аёллар қонотининг фаол аъзоларидан бири бўлиб, у ишлайётган гуруҳга Раҳим Хайдаров раҳбарлик қилган. Раҳим Хайдаров эса, ўз навбатида, Тожикистонда

гили ҳол. Халқимизда лўлининг эшанини сўғор, пулини ол деган мақол бор. Бу масхараомуз мақол ҳар қандай пасткашоник билан бўлсада манфаат топсам бўлди, деган кимсаларга қарши айтилган ҳақоратомуз гапнинг образли ифодаси. Буни қарангки, Ҳизб-ут таҳрирчилар манфаат топиш йўлида бу мақолда назорда тутилган лўли тимсолидаги одамни излаб топмагач, лўлиларнинг ўзига рўбарў келибди-ю, улар эшати жиловини тутиб, сувга етақлабди...

Дунёда мафкуравий қурошлар бораётган жараёнда бизнинг асосий қуролимиз оғоҳлик бўлмоғи лозим. Няяти қабиҳ кимсалар қора мақсадлари учун ҳар қандай йўлдан боришга тайёрдир. Ҳаёт сабоқларидан тўғри хулоса чиқаришимиз, унга теран назор ташлашимиз лозим.

■ uz24.uz сайтидан олмни.